



- Ерни ким яратган? – деб сўради.

- Аллоҳ! – дедилар.

- Мана бу тоғларни ким тиклаб қўйди ва улардаги нарсаларни пайдо қилди? – деди.

- Аллоҳ! – дедилар.

- Ундоқ бўлса, осмонни яратган, ерни яратган, ушбу тоғларни тиклаган Зот билан қасамки, сени Аллоҳ пайғамбар қилиб юбордимми?! – деб сўради.

- Ҳа! – дедилар.

- Сенинг элчинг бир кеча-кундузда беш вақт намоз фарз эканини даъво қилди, – деди.

- Тўғри айтибди, – дедилар.

- Сени пайғамбар қилиб юборган Зот ила қасамки, буни сенга Аллоҳ буюрдими? – дес сўради.

- Ҳа! – дедилар.

- Сенинг элчинг бизга молу дунёмиздан закот фарз қилинганини даъво қилди, – деди.

- Тўғри айтибди, – дедилар.

- Сени пайғамбар қилиб юборган Зот ила қасамки, буни сенга Аллоҳ буюрдими? – деди.

- Ҳа! – дедилар.

- Сенинг элчинг ҳар йили Рамазон ойи рўзаси фарз қилинганини даъво қилди, – деди.

- Тўғри айтибди, – дедилар.

- Сени пайғамбар қилиб юборган Зот билан қасамки, буни сенга Аллоҳ буюрдими? – деди.

- Ҳа! – дедилар.

– Сенинг элчинг қодир бўлганларга Байтни ҳаж қилиш фарз қилинганини даъво қилди, – деди.

– Тўғри айтибди, – дедилар.

Сўнгра у киши:

– Сени ҳақ ила юборган Зотга қасамки, мана шуларга зиёда ҳам қилмайман, улардан кам ҳам қилмайман, – деб қайтиб кетди.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар ростгўй бўлса, албатта, жаннатга киради», дедилар».

Яна бир ривоятда: «У киши: «Сен келтирган нарсага иймон келтирдим. Мен ўз ортимдаги қавмимнинг элчисиман. Мен Бани Саъд ибн Бакр (қабиласи)дан Зимом ибн Саълабаман», деди», дейилган.

*Имом Бухорий, Имом Муслим, Имом Насайй, Имом Термизийлар ривоят қилишган.*